

## БАРҚАРОР ТУРИЗМ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ АФЗАЛ ЖИҲАТЛАРИ

**Абдувоҳидов Абдумалик Маҳкамович**  
ТДИУ Туризм кафедраси профессори,  
и.ф.д., проф.

Барқарор ривожланиш деганда мавжуд ресурслардан фойдаланишда, уларнинг истеъмолида келгуси ривожланиш эҳтиёжларини инобатга олиш ва бунда оқилона ёндашувни қарор топтириш тушунилади.

Барқарор туризм концепцияси деганда туризмни ривожлантириш ва бошқаришнинг атроф-муҳитга, маданий қадриятларга, маҳаллий аҳоли турмуш тарзи манфаатларига зид бўлмаган шакллари, усуллари ва воситалари жамланмаси тушунилади.

Стратегик ривожлантириш деганда узоқ ва ўрта истиқболга мўлжалланган ҳаракат режаларини рўёбга чиқаришда ресурслар (моддий, молиявий, меҳнат, ахборот ресурслари)ни рационал тақсимлаш орқали асосий фаолиятни бош миссига концентрациялаш тушунилади.

COVID-19 инқирози натижасида дунё миқёсида 75 миллион иш ўрни йўқотилди. Туризмнинг мультиплекатив эфекти таъсирида қарийб 120 миллион иш ўрни мавжуд эди.

Ўзбекистонда 50 мингга яқин турлар ва чипталар бронлари бекор қилинган. Молиявий зарар дунё миқёсида 1 триллион АҚШ долларини ташкил этган. Шунинг таъсирида, “Luxury service” ва “Luxury destination” тушунчаларининг аҳамияти ортиб бормоқда.

COVID-19 инқирози аввалида туризм соҳаси жаҳон хўжалик тизимининг энг юқори мультиплекатив эфектга эга тармоғи ҳисобланар эди. Аммо ҳозир турлар реализацияси деярли тўхтаган. Авиабилетлар ва меҳмонхона номерлари бронлари аннуляция қилинган. Туристик хизмат кўрсатиш шартномалари бекор қилинган.

Натижада туристик хизмат кўрсатиш учун олдиндан ўзлаштирилган пул тушумларини қайтариш валюта курсидаги ўзгаришлар ҳисобига молиявий зиёнга олиб келган. Меҳмонхоналар ресторанлар, туристик агентликлар, туроператорлик фирмаларига нисбатан камроқ зарар кўрди. Ижарага олинган биноларда меҳмонхона фаолиятини олиб борган бизнес субъектларининг зиён даражаси юқори.

Туризм соҳасидаги иш ўринлари мавсумийлик характеристига эга эди. Глобал инқироз таъсири эса иш ўринларининг салмоқли қисми энг камида бир календар йили давомида бутунлай йўқотилишига сабаб бўлади. Глобал инқироз таъсирини юмшатишнинг бошланғич даврида туристик маҳсулот ва меҳмонхона хизматлари сотуви заарсизлик нуқтаси доирасида амалга

ошади. Туризм соҳасида харажатларни оптимал бошқариш усуллари фаол қўллана бошлади.

Туризм соҳасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солища замонавий автоматлаштирилган дастурий таъминот воситалари янада оммалашади. Кейинчалик туризм индустриясида фрилансерлик иш ўринлари ортиши кутилмоқда. Фаолият турлари ва йўналишлари чуқур диверсификацияланган туристик бизнес субъектларининг молиявий тикланиш жараёнлари жадал кечади. Меҳнат жамоалари вакилларини Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга жалб қилиш ҳисобидан ички туризмни ривожлантириш имконияти мавжуд.

Барқарор туризм концепцияси асосида фаолият юритишнинг устувор йўналишлари қўйидагиларни назарда тутади:

- туристик инфратузилма обьектларининг қабул қилиш ва жойлаштириш қувватларини баҳолаб бориш;
- туристик компаниялар бошқарув жараёнида иқтисодий, ижтимоий ва маданий омиллар таъсирини ҳисобга олиш;
- меҳмондўстлик индустрияси ходимларининг барқарор туризм тамойилларига оид компетенциясини қарор топтириш;
- макро-, мезо- ва микроиқтисодий даражада туризмни режалаштиришда ресурслар сарфи ва истеъмолининг оптимал меъёрларини белгилаш;
- туризмга оид давлатлараро ва минтақалараро технологиялар трансферини йўлга қўйиш;
- хизмат кўрсатиш обьектлари туристлар қамровида демографик параметрларнинг таклиф этилаётган туристик маҳсулот истеъмол хоссалари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;
- туристик маҳсулотлар ишлаб чиқиш жараёнида атроф-муҳит муҳофазаси ва ресурсларни тежаб ишлатишга, туристларни қабул қилувчи томон маҳаллий аҳолисининг фаровонлиги ортишига ҳисса қўшишни кўзлаш;
- минтақалар туризм ривожланиши ўртасидаги тафовутларга барҳам бериш;
- туризмни стратегик ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқаришда давлат ва хусусий сектор шериклиги имкониятларидан фойдаланиш.

Барқарор туризм концепциясини қўллашнинг тизимлашган афзал жиҳатларини аниқлаштириб олиш, ўз ўрнида, давлат ва корпорациялар миқёсида туризм ривожланишига тааллуқли дастурларнинг рўёбга чиқарилишига қўмаклашади. Таъкидлаш жоизки, хизматлар минтақавий бозорларини стратегик ривожлантиришда барқарор туризм концепциясини қўллашга диққат қаратиш давр талаби сифатида юзага чиқмоқда.

Стратегик ривожлантириш деганда узоқ ва ўрта истиқболга мўлжалланган ҳаракат режаларини рўёбга чиқаришда ресурслар (моддий,

молиявий, меҳнат, ахборот ресурслари)ни рационал тақсимлаш орқали асосий фаолиятни бош миссига концентрациялаш тушунилади. Ўзбекистон мисолида хизматлар минтақавий бозорларини стратегик ривожлантиришнинг қуидаги муаммолари мавжудлиги аниқланган:

◆ хизмат кўрсатиш инфратузилмаси объектлари фаолиятида сифат ва самарадорлик қўрсаткичлари территориал бренд таниқлилиги таъсирида турлича намоён бўлади;

◆ меҳмонхона ва ресторон хўжаликларида туристларни қабул қилиш қувватларининг истиқболи ўсиш динамикаси билан параллеллигини таъминлаш эвазига хизматлар диверсификациясига эришилмаган;

◆ хизматлар минтақавий бозорларида рақобат муҳитини рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий дастаклари (давлат буюртмаси бўйича стратегик таҳлилларга таянган бизнес-режалар ишлаб чиқиши, мақсадли йўналишлар кесимида территориал туристик хаблар ташкил этиш)дан оқилона фойдаланиш суст кечмоқда.

Санаб ўтилган муаммолар ечими сифатида бир нечта таклифларни келтириб ўтиш ўринли. Хусусан:

► Ўзбекистон минтақалари туристик брендларини ички ва ташқи сотув бозорларида фаол тарғиб қилишнинг маркетинг стратегиясини тайёрлаш мақсадга мувофиқ;

► туристик хизматлар ассортиментини кенгайтиришга йўналтирилган ва туристлар аттракциясига изчил кўмаклашувчи анимацион дастурлар мажмуини шакллантириш лозим;

► ижтимоий самараси юқори баҳоланганди бизнес-режаларни амалиётга жорий этишда форсайт-менежмент усулларини қўллаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, хизматлар минтақавий бозорларини стратегик ривожлантириш имкониятларини юзага чиқариш маъмурий-иқтисодий фаолият менежерлари корпуси олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани муваффақиятли бажаришда эса барқарор туризм концепциясига тааллуқли бошқарув инструментарийсини қўллаш муҳим ўринга эга.

Бунда, айниқса, барқарор ривожланиш омиллари уйғунлигини таъминлаш ҳамда барқарор туризм концепциясини қўллашда форсайт-менежмент усуллари ёрдамида стратегик вазифаларни ҳал қилишнинг иқтисодий самарадорлигига эришиш алоҳида аҳамият касб этади.